



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 29 (12.590)

Баҳоси эркин нарҳда

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ СОЧИГА ТАШРИФИ ҲАҚИДА

**Аввал хабар қилинганидек,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ислон Каримов  
7 февраль куни Сочи шаҳрида  
XXII қишки Олимпия  
ўйинларининг очилиш  
маросимида иштирок этди.**

Ўзбекистон Президентини «Адлер» аэропортида Сочи шаҳри раҳбарияти ва Халқаро Олимпия қўмитаси вакиллари кутиб олди.

Давлатимиз раҳбари шу куни мазкур улкан халқаро спорт байрами учун махсус барпо этилган Олимпия шаҳарчаси мажмуасидаги «Фишт» стадионида бўлиб ўтган Олимпия ўйинларининг расмий очилиш маросимида иштирок этди.

Ушбу ажойиб ва гўзал тадбир Олимпиада иштирокчилари ва меҳмонлари учун, ҳеч шубҳасиз, асосий воқеа бўлди. Бош постановкачи, тажрибали продюсер К.Эрнст раҳбарлигида тайёрланган мазкур маросим миқёсининг кенглиги ва ноёб техник ечими билан стадиондаги барча томошабинларга катта завқ бағишлади, уларда унутилмас таассурот қолдирди.

Бутун дунёдан келган спорт мухлислари тўрт йилликнинг асосий қишки мусобақаларида иштирок этаётган мамлакатлар жамоаларини самимий қутлади.

Россиянинг машҳур спортчилари иштирокида Олимпия машғулаётгани ёқилиши маросимнинг энг ёрқин дамлари бўлди.

Ўзбекистон Президентини Ислон Каримов Сочида ташифи доирасида Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов билан амалий учрашув ўтказди. Анъанавий дўстлик ва очиклик руҳида ўтган суҳбат давомида томонлар кенг қўламли ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати, Ўзбекистон Президентининг Туркменистонга бўлажак расмий ташифи хусусида фикр алмашди.

Сочидаги тадбирлар давомида Ўзбекистон Президентининг Туркия Республикаси Бош вазири Ражаб Таййиб Эрдоғон билан қисқа учрашув ҳам бўлиб ўтди. Икки мамлакат раҳбарлари ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолатини муҳокама қилиб, ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустақамлаш лозимлигини таъкидладилар. Шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар ҳақида ҳам фикр алмашилди. Учрашув самимий ва дўстона руҳда ўтди.

(ЎЗА)


**Пойтахтимизда 10 февраль куни Ўзбекистон ва Ҳиндистон ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва Ҳиндистон Фармацевтика маҳсулотлари экспортини ривожлантириш кенгаши томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда икки мамлакатнинг фармацевтика соҳаси учун масъул ташкилотлари, компания ва концернлари раҳбарлари қатнашди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ташқи иқтисодий алоқалар бошқармаси бошлиғи Дилшод Расулов Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик, сармояларни ҳимоялаш ва рағбатлантириш, икки томонлама солиқдан қочишга оид битимлар амал қилади. Ўзаро савдода энг кўп қўлайлик яратиш тартиби жорий этилган. Ўзбекистон Ҳиндистонга қурилиш материаллари, рангли металллар, пахта ва кўнчилик ҳомашёси, озиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматлар экспорт қилади. Ҳиндистондан Ўзбекистонга фармацевтика маҳсулотлари, механика ва электрон

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

## ҲАРБИЙ ХИЗМАТ — ФАХР ВА ШАРАФ

Президентимизнинг 2013 йил 20 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги қақруви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервиге бўшатиш тўғрисида»ги Қарорига асосан ўтказилаётган бундай маросимлар юксак савияда байрамона ташкил этилаётганини таъкидлаш лозим. Ушбу тадбирларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари, жамоат ташкилотлари вакиллари, қақрулувчиларнинг ота-оналари ва дўстлари иштирок этмоқда. Армияга кузатиш маросими мамлакатимиз ёшлари ҳаётида унутилмас воқеага айланиб бормоқда.

Бугунги кунда миллий армиямиз сафларида хизмат қилиш учун йигитлардан нафақат мустақам соғлиқ, балки юқори интеллектуал салоҳият ва кенг дунёқараш, юксак маънавий-руҳий тайёргарлик талаб этилади. Бу эса миллий армиямиз сафлари Ватанимиз ҳимоясига доим шай бўлган жасур ва мард ёш кадрлар билан тўлдириб борилаётганидан далолат беради.

Буларнинг барчаси Президентимиз, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Олий Бош Қўмондонини Ислон Каримов раҳнаомлигида мустақиллик йилларида ҳарбий соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг амалий самарасидир. Жўмладан, ҳарбий хизмат муддати бир йилга қисқартирилиб, қақрув йилига бир марта ўтказилаётгани миллий армиямиз нуфузининг янада ошишида муҳим омил бўлмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида хизмат қилиш ҳар бир йигитнинг орзусига айланди.

Таъкидлаш лозимки, тиббий текширув, билим ва интеллектуал салоҳият ҳамда жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлашга қаратилган синовлардан муваффақиятли ўтган йигитларгина миллий армиямиз сафла-

**Шу кунларда Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармасида ҳарбий хизматга қақрулаётган йигитларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафига тантанали кузатиш маросимлари бўлиб ўтмоқда.**

рида хизмат қилиши мумкин. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармасида ҳам қақрулувчилар учун барча шароитлар яратилган. Хусусан, бу ерда маълумотхона, тиббий текширув ва тест ўтказиш биноси, шунингдек, қўшимча хоналар, кенг ва шинам ошхона ишлаб турибди. Яратилган ана шундай қўлай шароитлар туфайли бир кунда юз нафаргача қақрулувчинини юқори даражада саралаш имконияти мавжуд.

— Биз, ёшларга қаратаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик ҳарбий хизматга қизиқишимизнинг ошишида муҳим омил бўлмоқда, — дейди Сергели туманидан қақрулувчи Асрор Ҳотамов. — Бобом, отам ва қариндoshларим армияда хизмат қилган даврлардаги қийинчилик ва машаққатлар ҳақида кўп гапириб беришган. Бугун мен мустақил Ватаним олдидаги фуқаролик бурчимни адо этиш имкониятидан қалбимда улкан ифтихор туйган ҳолда ҳарбий хизматга йўл олмақдам.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ афзалликлари хусусида узоқ гапириш мумкин. Масалан, муддатли ҳарбий хизматчиларнинг баҳорда Қуролли Кучлар резервиге бўшатилиши уларга олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларига пухта тайёргарлик қўриш имконини беради. Бундан ташқари, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётганлар ҳарбий қисм қўмондонлиги тасвияномаси билан олий ўқув юртларига киришда тўпланадиган энг юқори баллининг 27

фоизи миқдорида имтиёз берувчи йўлланмага даъвогарлик қилишлари мумкин.

Ҳарбий қисмларда яратилаётган қўлай шароитлар ёш аскарларнинг муддатли ҳарбий хизматни муваффақиятли ўташидаги муҳим жиҳатлардан биридир. Ҳарбий қисмларда таълим олиш, яшаш, жанговар ва жисмоний тайёргарликни ошириш учун замонавий шароитлар яратилган. Зарур ўқув қўлланмалари ва компьютер билан таъминланган. Спорт заллари аскарлар ўртасида турли мусобақалар ўтказиш имконини берадиган замонавий анжонлар билан жиҳозланган. Буларнинг барчаси ҳарбий хизматчиларда ватанпарварлик ва истиклол ғояларига садоқат туйғуларини мустақамлаш, миллий армиямиз нуфузининг ошишига хизмат қилмоқда.

— Армияда фарзандларимиз учун яратилган қўлай шароит ва имкониятлар учун давлатимиз раҳбаридан миннатдоримиз, — дейди ЎЗА муҳбирига Олмазор туманидан қақрулувчи Анваржон Хайдаровнинг онаси Зулхумор Хайдарова. — Бугунги кунда миллий армиямиз ёшларимиз учун том маънода ҳаёт мактабига айланди. Ўғлим ҳам Ватанимиз ҳимоясига ўзининг ҳиссасини қўшишда фахрланаман. Фарзандим армияга узоқ муддат тайёргарлик қўрди. Ёшлигидан спорт тўғрисидаги мунтазам қатнади, умумтаълим фанларидан билимини мустақамлади. Ўғлим ҳарбий хизмат давомида унга билдирилган юксак ишончни оқлашига аминман.

Сардор ТОЖИЕВ

ғизда барча соҳалар қатори фармацевтика саноати ҳам жадал ривожланимоқда. Ушбу таширфидан мақсадимиз Ўзбекистон фармацевтика компаниялари вакиллари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш, соҳага оид вазирилик ва идоралар, фирма ва компаниялар вакиллари ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни ривожлантиришдир.

Форумда Ҳиндистонлик ишбилармонларга мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя жалб этишнинг муҳим йўналишлари ҳақида маълумот берилди. Меҳмонлар юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида олиб борилаётган ислохотлар, мамлакатимиздаги махсус индустриал зоналарда сармоядорлар учун яратилган қўлайлик ва имкониятлар билан таништирилди.

Анжуманда икки мамлакат ўртасида фармацевтика соҳасидаги алоқаларни янада фоллаштириш орқали савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш, Ҳиндистон компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этишга оид масалалар муҳокама қилинди.

Бизнес-форум якунида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари, Ҳиндистон ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперация биржа ўтказилди.

Нодира МАНЗУРОВА,  
ЎЗА муҳбири



## МАМЛАКАТИМИЗДА

• Термиз шаҳрида 2013 йилда Сурхондарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

• Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида юксак билимли, фаол ва иқтидорли талабаларни рағбатлантиришга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда қатнашган 6 нафар талабага турли даражадаги стипендиялар гувоҳномалари топширилди. «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан ўтказилган «Энг фаол талаба», «Энг билимли талаба» танловлари ғолиблари тақдирланди.

• Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳрида ўтган йили 6 миллион 32,3 минг долларлик 41 лойиҳа амалга оширилиб, 482 янги иш ўрни яратилди. Қорақалпоғистон Республикаси марказидаги яна бир хусусий корхона — «СБС Аққалъа» масъулияти чекланган жамиятида амалга оширилган 336 миллион сўмлик модернизация ишлари натижасида йилига 5 миллион дон пишиқ гишт ва 300 тонна оҳак ишлаб қилиш имконияти яратилиб, қўшимча иш ўринлари очилди.

• Бухоро вилояти мудофаа ишлари бошқармасининг йигин пунктида миллий армиямиз сафларида муддатли ҳарбий хизматни ўташга йўл олган йигитларнинг дастлабки гуруҳини кузатиш маросими бўлиб ўтди. Унда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, вилоят хотин-қизлар қўмитаси вакиллари, маҳалла фаоллари ва қақрулувчиларнинг ота-оналари иштирок этди.

## ЖАҲОНДА

• Футбол бўйича Бразилия миллий чемпионати доирасида «Америка» ва «Санта Крус» клублари ўртасида ўтказилган ўйин ноҳуш воқеа билан якунланди. Баҳс тугагач мазкур учрашув ўтказилган «Арена-дас-Дунас»га келган мухлислар икки нафар номаълум шахс томонидан ўққа тутилган. Натижада уч киши жароҳатланган. Қурбонлар йўқ. Бу нима мақсадда амалга оширилгани маълум эмас. Текширув ишлари олиб бориламоқда.

• Финляндиянинг «Nokia» ва Хитойнинг «hTC» компаниялари бундан буён ҳамкорликда фаолият олиб боришади. Гап шундаки, Европа вакили ўзининг интеллектуал мулкдан фойдаланиш учун «hTC»га рухсат берди. Бунинг эвазига қанча миқдорда маблағ олиши ҳақида аниқ маълумот йўқ. Эътиборли жиҳати шундаки, бир оз олдин фин компанияси технологияларидан рухсатсиз фойдалангани учун айнан «hTC»ни судга берган эди. Мазкур иш Германия судида қўриб қилинган, даъво асосли деб топилди.

• Боливиянинг Чуйпакаса-Чико аҳоли яшаш пунктида юз берган кўчки оқибатида уч киши ҳаётдан кўз юмди. Ўн бир нафар одам бедарак йўқолган. Табиий офат бир неча сутка давомида тинимсиз ёмғир туфайли келиб чиққан. Аҳоли яшаш пунктининг қарийб 90 фоиз ҳудуди жиддий зарар кўрган.





## Спорт янгиликлари

## ЯНГИ БОШ МУРАББИЙ

Ўзбекистон футболда ўзининг ҳужумкор ўйини билан танилган Жаъфар Ирисметовнинг футболчилик фаолиятини якунлаганидан мухлисларнинг хабари бор, албатта.

Ўз вақтида рақиблар дарвозасига 100 тадан кўпроқ гол киритиб Геннадий Красницкий клубига аъзо бўлган Жаъфар Ирисметов футболдан узоклашгани йўқ.

Гап шундаки, жорий йилги мавсумда Жаъфар Ўзбекистон чемпионати биринчи лигаси вакили пойтахтимизнинг «NBV — Осиё» жамоасини бош мураббий сифатида бошқаради.

Шаҳримизда 8-10 ёшли болалар ва ўсмирлар ўртасида шахмат бўйича ташкил этилган Ўзбекистон чемпионати якунланди.

## ФОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Кизикарли партияларга бой ўтган баҳслар якунида турли ёш тоифаларида Султон Турсунов, Мохинур Рахматуллаева, Нодирбек Абду-

сатторов, Юлия Хегай, Светлана Чайкина ва Нодирбек Ёкуббеовлар биринчи ўринларни эгаллаб, Ўзбекистон чемпиони бўлишди.

«ПАХТАКОР»НИНГ  
ҒАЛАБАСИ

Жорий йилги футбол мавсумига Туркиянинг Анталия шаҳрида тайёргарлик кўрган «Пахтакор» жамоаси машғулот йиғинлари доирасидаги навбатдаги назорат-ўртоқлик учрашувини ўтказди.

Бу сафар пахтакорчилар Польшанинг «Ягуони» командаси билан куч синашишди.

Мурасасиз ва кизикарли кечган баҳсда ҳар икки жамоа мураббийлари жорий йилги мавсумда қатнашадиган барча футболчиларнинг жисмоний тайёргарлигини синовдан ўтказишди. Пахтакорчилардан Камолдин Тожиев томонидан дарвозага киритган ягона гол жамоамизга ғалаба келтирди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ



## «Камолот»

## СПОРТ БИЗНИ ДЎСТЛАШТИРАР

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти ташаббуси билан бир гуруҳ талаба-ёшларнинг «Спорт бизни дўстлаштирар» шиори остида «Бунёдкор» стадионига танишув сайёҳати уюштирилди.

— Ушбу тadbир университет талаба-ёшлари ўртасида соғлом турмуш тарзини фаол тарғиб этиш, фарзандларимизни баркамол авлод этиб тарбиялаш, спорт мусобақаларига оммавий равишда жалб қилиш, ёшларнинг ўзаро маданий-спорт алоқаларини йўлга қўйиш мақсадида ташкил этилди, —

дейди Тошкент Давлат техника университети «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчилар Кенгаши расиси Хасан Дадабоев.

Саёҳат давомида ёшлар «Бунёдкор» стадионида яратилган замонавий шарт-шароитлар, Ўзбекистон футбол тарихи музейи билан танишдилар, ўйин майдони

ҳақида батафсил маълумотга эга бўлдилар.

Саёҳат сўнигида «Камолот» фаоллари ўзларини қизиқтирган барча саволларга «Бунёдкор» стадиони ходимлари томонидан жавоб олдилар.

Ушбу тadbир ёшлар қалбида унутилмас таассурот қолдирди.

Зафар НАЗАРОВ

Шарипова ва Арина Фольц Хитой тайпейи терма жамоасини 3:0 ҳисобида мағлуб этишди.

Иккинчи тур беллашувларида Сабина Шарипова Шин Янгни 7:6(1), 6:4, Нигина Абдураимова эса Шин Шанни 3:6, 6:2, 6:3 ҳисобида енгиб, жуфтлик баҳсида Абдураимова ва Фольц қизгин курашда Шин Шан ва Тинг-Фей Жуанларни 6:0, 4:6, 6:4 мағлубиятга учратди.

Бизнинг гуруҳдан жой олган, Хитой ва Жанубий Корея мамлакатлари теннисчи қизлари ўртасидаги баҳсда хитойлик спортчилар 3:0 ҳисобида ғалаба қозонишди.

Кейинги баҳсда теннисчиларимиз Жанубий Корея вакиллари қарши қорғат чиқишди.

Жавоҳир ТОШҲЎЖАЕВ

Ўзбекистон Бадий академиясининг марказий кўргазмалар залида маҳобатли рангасвирчи Андрей Крикис (1950-1994) ва рангасвирчи, график Павел Кичконинг (1960-2010) ижод намуналаридан ташкил топган «Бизнинг мерос» туркумидаги кўргазма очилди.

## Кўргазмалар

## БИЗНИНГ МЕРОС

Андрей Крикис Ярославль шаҳрида туғилган. Отасининг хизмат вазифаси туфайли дастлаб Тошкентда, сўнгра Самарқандда яшаган. 1976 йилда Ярославль бадий билим юртини тугатиб, Самарқандга келган. Юртимизда ва чет элларда ўтказилган кўплаб кўргазмалар қатнашчиси. Асарлари Ўзбекистондаги музей тўпламлари ҳамда хорижий мамлакатлар галереяларидан ўрин олган. Рассом ижодда эркин парвоз қилиб, замонавий санъатнинг биринчи йўналиши билан чегараланмаган. Павел Кичко Қозоғистоннинг Жамбул вилоятида туғилган. П. Беньков номидаги республика рассомлик билим юртида (Тошкент), Тошкент театр ва рассомлик институтида тахсил олган. Тошкентда, сўнгра Урганчда яшаб ижод қилган. Урганч картиналар галереясида сакловчи-реставратор, вилоят театрида рассом-декоратор бўлиб ишлаган. Республика ва чет эл кўргазмаларида фаол иштирок этган. Асарлари Ўзбекистон Бадий академияси Бадий кўргазмалар дирекцияси, Урганч картиналар га-

лерейси тўпламларида, Ўзбекистон ва чет элдаги шахсий коллекцияларда сақланмоқда. Турли-туман йўналишлардаги асарларида маиший мавзуларга файласуфона ўйлар билан ёндошган. Анъанавий турмушдан олинган ҳаётий сюжетлар нозик ҳазил, баъзида кулгули услуб билан бойитилган.

Ҳар иккала ижодкорнинг кўргазмага қўйилган асарларида ҳаёт фалсафаси, муаллифларнинг ўзига хос фикрлари, тарихий шахарларимизнинг меъморий ёдгорликлари турли авлод вакиллари билан сиймолари, ҳаёт динамикаси, ҳар хил мавзулардаги натюрмортлар, дала гуллари, табиат манзараларини кўрамиз. Улар кўргазмага ташриф буюрган санъат ихлосмандларини фикрлашга, мулоҳазаларга чорлайди. Экспозициядан рассомларнинг «Самарқанд йўлида», «Зардушт», «Уйғониш», «Шоирнинг туши», «Вақтлар қўриқчиси», «Карвон», «Хива», «Қишлоқ, Қўҳна Урганч», «Она ва бола» каби асарлари ўрин олган.

Кўргазма жорий йилнинг 21 февралигача давом этади.

Хасан АБДУНАЗАРОВ

## ТЕННИСЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

Мазкур мусобақада теннис бўйича мамлакатимиз аёллар терма жамоаси ҳам иштирок этмоқда. Гуруҳ баҳсларининг биринчи кунда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Нигина Абдураимова ва Сабина Шарипова хитойлик рақибаларини 2:1 ҳисобида доғда қолдирди. Яъни, Нигина Абдураимова Шуай Чжанга 6:7, 3:6 ҳисобида им-

кониятни бой берган бўлса, Сабина Шарипова Фанг Чжоу Лиунга 6:4, 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратди. Нигина ва Сабина жуфтлиги Лиу ва Чжан дуэтини 6:1, 6:4 ҳисобида енгди.

Гуруҳ баҳсларининг иккинчи турида теннисимиз маликалари Хитой Тайпейи вакиллари билан куч синашишди. Бунда Нигина Абдураимова, Сабина

## Тақдимот

## ЭЗГУЛИККА ЧОРЛАЙДИ

Республика Киночилар уйи ва Алишер Навоий номидаги кино саройида «Ўзбекино» Миллий агентлиги буюртмасига кўра «Ўзбекфильм» киностудиясида тасвирга олинган «Қудук» бадий фильмининг премьераси бўлиб ўтди.

Фильм олдидан томошабинларга янги «Сехри қилич» мультфильми ҳам намойиш этилди.

«Қудук» бадий фильмида собиқ мустабид тузум даврида қишлоқ аҳлининг ўта оғир ва мураккаб ҳаёт тарзи ҳақида ҳикоя қилинади. Бош қаҳрамон Элмурод тимсолида қишлоқдагилар учун қудук қазиб умрини ўтказибётган инсоннинг ҳаётий кечмишлари, унинг руҳиятидаги турли зиддиятлар акс эттирилган.

Оққунгил, ишонувчан бу инсон ўзига озор етказганларни ҳам осонгина кечириб юборади. Юрагида кек сақламайди. Шунинг учун ҳам қишлоқдошлари унга Лаллай деб лақаб қўйишган.

Ҳамқишлоқлари илтимосига биноан қудук қазилган киришган Элмуроднинг қалбида изтироб бор. Тўнғич ўғли оғир касалликка чалиниб юра олмай қолган. Фильм қаҳрамони ўз умри давомида ҳар хил воқеаларга гувоҳ бўлади. Бир кун у «Умр бўйи ер қавлаш билан банд бўлиб, одамлар кўксидagi эзгулик қудуғи қуриб бораётганини сезмай қолибман, улардан яхшилик чиқишига умидвор бўлиб беҳуда ури-наётганга ўхшайман», дея ўйлашиб қолади.

Лаллай ҳаёти давомида ўзи ахтарган ширин сувли қудукни хонадони яқинидан топади. Шундан кейин ҳаётда кўрган қийинчиликлари, оғир синовларга яқун ясалади. Умри мобайнида инсонлар учун ҳалол меҳнат қилган, содадил Лаллайнинг интилишлари уни эзгу мақсадларига элтади.

Яхшилик, ҳалоллик ва камтарлик ҳақида ҳикоя қилувчи мазкур фильм Гафур Шермуҳаммад сценарийси асосида, постановкачи режиссёр Мансур Абдухоликов, постановкачи оператор Умид Маликов томонидан суратга олинган.

Постановкачи рассом Бектош Ражабов. Бош роллари Мухаммад Абдулхайиров, Лола Элтоева, Абдухалил Мингноров, Юлдуз Ҳамидова, Фарход Худойбердиевлар ижро этишган.

— «Қудук» бадий фильми менда жуда катта таассурот қолдирди, — дейди Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети талабаси Ҳумоюн Хасанов. — Бу фильм одамларни эзгуликка, меҳнатсеварликка ҳамда умидли ва нурли кунларга чорлайди. Шу билан бирга одамлиқнинг энг яхши фазилатларини Элмурод роли орқали жонлантириб беради.

Гулнор САТТОРОВА

Манзил: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Эъпонлар: 233-28-95,  
факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот бошқармасида  
02-1-рақам билан рухсатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимлариға ёки  
«Тошкент почтамити»ға — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета тахрират компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР  
ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил:  
vto2007@mail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума кунлари чиқади  
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.  
13075 нусхада босилди.  
Қоғоз бичими А-2

Топириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул  
Д. Исроилов

Босишга топирилди: 14.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмахонаси. Корхона  
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир  
Акматали АҚРОМОВ

МАШРИҚЗАМИН —  
ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Хаёл бўлинса, иш ун-майди.

\*\*\*

Бўш келган қуруқ қолади.

\*\*\*

Баъзилар даромадларини яширадилару харажатларини оламга дoston қилдилар.

\*\*\*

Ўзи риоя қилмаган бошқани ҳам йўлдан уради.

\*\*\*

Ҳамма ҳам эътибор истаиди.

\*\*\*

Зарба кўпинча кутилмаган томондан келади.

\*\*\*

Қиёфа-кўзгу: фаросатли киши унга қараб инсоннинг кимлигини билади.

\*\*\*

Одамлар фақат маслаҳатга эмас, мададга ҳам муҳтож.

\*\*\*

Киши ўзини ўйлаганида кўзига бошқа нарса кўринмайди.

\*\*\*

Ҳар ким бахтини ҳар ердан излайди.

\*\*\*

Биз аввал тахмин қиламизда, кейин уни ҳақиқат деб ўйлаймиз.

\*\*\*

Моҳиятдан беҳабар сийратига алданади.

\*\*\*

Ўзига ортиқча баҳо бериш кишида кибру ҳаво пайдо қилади.

\*\*\*

Олдга интилмасанг, ордта қоласан.

\*\*\*

Феъли торга дўстнинг ҳам кераги йўқ.



Тошкент шаҳрида

12 февраль кунини ҳаво ўзга-

риб туради, ёғингарчилик

бўлмади. Кечаси ва эрта-

лаб туман тушиши мумкин.

Шарқдан секундида 3-8

метр тезликда шамол эсади.

Ҳарорат кечаси 9-11  
даража совуқ, кунду-  
зи 1 даража совуқ, 1  
даража илқ бўлади.  
Ўзгидрометнинг  
мониторинг хизмати

Тошкент шаҳрида

эрталаб 13 февралда Тош-

кент шаҳри об-ҳаво шароити

шаҳар ҳаво муҳитида

зарарли моддаларнинг сақ-

ланиб қолишига имконият

яратилди.